Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 22 март, № 58 (8401) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ, ЯШАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШ, МЕҲР-ОҚИБАТ БАЙРАМИ

Кеча «Янги Ўзбекистон» боғидаги амфитеатрда Наврўз байрамига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Қутлуғ айём муносабати билан мазкур муаззам боғда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари, фан, маданият, санъат, спорт намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, меҳнат фахрийлари, дипломатик корпус вакиллари, хорижлик меҳмонлар ва турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган юртдошларимиз, ёшлар жам бўлди.

Тадбир аввалида сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга берилди. Йиғилганлар давлатимиз раҳбарини гулдурос қарсаклар билан кутиб олди.

Давлатимиз раҳбари кўп миллатли Ўзбекистон халқини ушбу улуғ айём билан қутлаб, байрам табригини йўллади, ўзининг эзгу ва самимий тилакларини изҳор этди.

— Биз бугун юртимизда Янги Ўзбекистонни — инсон эркин, озод ва фаровон яшайдиган жамият ва давлатни барпо этиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдамиз.

Янги Ўзбекистон ғояси — бу 36 миллионли катта халқимизнинг азму қарори, унинг ҳаёт мазмунидир. Бу олийжаноб мақсад Наврўзи олам фалсафаси ва қадриятлари билан ғоят уйғун ва ҳамоҳангдир, — деди давлатимиз раҳбари.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Мана шу гўзал ва ҳаяжонли дамларда муаззам "Янги Ўзбекистон" боғида туриб, сиз, қадрдонларимни, кўп миллатли бутун халқимизни улуғ айём — Наврўз байрами билан самимий табриклайман.

Бугун бепоён Ватанимизнинг воҳа ва водийлари, шаҳар ва қишлоқлари, боғ ва майдонларида эл-юртимиз катта шоду хуррамлик билан Наврўз сайилларини ўтказмоқда.

Қалбларимиз қувончга тўлиб турган ушбу дилбар лаҳзаларда кексаю ёш жамики юртдошларимизни чин дилдан қутлаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Шарқона янги йилимиз муборак бўлсин!

Наврўзи оламнинг қадами қутлуғ келсин!

Қадрли дўстлар!

Бугун жонажон юртимизга гўзаллик ва нафосат, яшариш ва янгиланиш, меҳр ва оқибат байрами — Наврўз кириб келар экан, дала ва қирларимиз, боғ ва яйловларимиз кўклам ёмғирлари — обираҳматдан баҳраманд бўлиб, бўлғуси мўл ҳосил, қут ва баракадан дарак бермоқда.

Ҳар бир инсон ўзининг табиат фарзанди эканини янада чуқур англаётган мана шундай мунаввар айёмга эл-юртимиз билан соғ-омон етганимиз учун, аввало, Яратганимизга беҳад шукроналар айтамиз.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Биз бугун юртимизда Янги Ўзбекистонни — инсон эркин, озод ва фаровон яшайдиган жамият ва давлатни барпо этиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдамиз.

Янги Ўзбекистон ғояси — бу 36 миллионли катта халқимизнинг азму қарори, унинг ҳаёт мазмунидир. Бу олижаноб мақсад Наврўзи олам фалсафаси ва қадриятлари билан ғоят уйғун ва ҳамоҳангдир.

Инсон қадрини улуғлаш, ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини амалда таъминлаш, барча шаҳар ва туманлар, олис ва чекка ҳудудлар аҳолиси учун муносиб шароит яратиб бериш, оддий қилиб айтганда, халқимизни рози қилиш — мана, бизнинг бош мақсадимиз. Шу эзгу йўлда иқтисодиётимиз ва ижтимоий соҳаларни ҳар томонлама ривожлантириш, илм-фан, таълим ва тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, соғлом турмуш тарзи ва спорт, она табиатни асраш каби йўналишларда бошлаган катта-катта дастурларимизни жадал давом эттирамиз.

Ҳаётимизни янада гўзал ва обод қилишда биз мўътабар отахон ва онахонларимиздан, уларнинг доно маслаҳатлари ва дуои фотиҳаларидан куч-қувват оламиз.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛА ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИ ВА ФАОЛЛАРИГА

Қадрли ватандошлар!

Ҳурматли маҳалла тизими ходимлари ва фаоллари!

Аввало, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда кўп миллатли бутун халқимизни мамлакатимизда кенг нишонланаётган муҳим сана — Маҳалла тизими ходимлари куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромимни билдираман.

Миллий ўзлигимиз тимсоли бўлган маҳаллаларимиз гўзал ва бетакрор Ватанимизда тинчлик ва ҳаҳиллик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик маконига айлангани билан албатта барчамиз фахрланамиз.

Ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизими бўлган бу идоранинг нуфузини ошириш, уни чинакам халқ виждонига айлантириш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида кейинги йилларда улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Бу ишлар аввало бандликни таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, хотин-қизлар, ёшлар, нуроний отахон ва онахонларимизга манзилли ёрдам кўрсатиш, фуқароларни замонавий касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш, камбағалликни қисқартириш ҳамда маънавий-маърифий тадбирлар билан уйғун ҳолда олиб борилаётгани диққатга сазовордир.

Айниқса, барча соҳа ва йўналишлар бўйича маҳаллабай ишлаш тизими кенг жорий этилиб, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ҳамда профилактика инспекторидан иборат таъсирчан тузилма фаолияти йўлга қўйилгани ижобий самара бермоқда. Бунинг тасдиғини маҳаллаларда тадбиркорлик ривожланиб, янги иш ўринлари, доимий даромад манбалари яратилаётгани, барқарор ижтимоий-маънавий муҳит мустаҳкамланиб, жиноятчилик камайиб бораётгани мисолида кўриш мумкин.

Биргина ўтган йилнинг ўзида маҳалла фаоллари кўмагида юз минглаб ишсиз фуқароларнинг бандлиги таъминлангани, 9 минг 400 дан ортиқ маҳалланинг қарийб 3 мингтаси ёки 31 фоизида жиноят содир этилишига йўл қўйилмагани шундан далолат беради.

Маҳаллаларни обод қилиш, уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги ишларимиз мамлакатимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб, халқимиз турмуш даражаси ва маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, 2022 йилда "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" ҳамда бошқа дастурлар доирасида бюджетдан ажратилган қарийб 27 триллион сўм маблағ ҳисобидан 4 мингта маҳаллада кенг кўламли қурилиш ва ободончилик ишлари амалга оширилгани, юзлаб мактаб, боғча, тиббиёт масканлари барпо этилгани ва янгиланган, электр энергияси, ичимлик суви, табиий газ ва иссиқлик таъминоти, йўл ва транспорт тизимлари фаолияти яхшиланганини таъкидлаш лозим. 2023 йил — "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"да ушбу мақсадлар учун яна 5 минг 800 та маҳаллага 30 триллион сўм маблағ йўналтирилади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАҲАЛЛА ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янги босқичга кўтариш орқали фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш, инсон қадрини улуғлашга қаратилган эзгу тамойил асосида маҳалланинг ўрни ва нуфузини юксалтириш, юртимизда кенг кўламли ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги катта хизматлари, халқимиз орасида ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, кўп асрлик анъаналаримизни асраб-авайлаш, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш ҳамда оилаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Ниетуллаев Тенгелатдин Сейдуллаевич — Бўзатов туманидаги «Эркиндарё» овул фуқаролар йиғинининг кексалар маслаҳат гуруҳи фаоли, Қорақалпоғистон Республикаси

Саидова Дилбар — Шароф Рашидов туманидаги «Жиззахлик» маҳалла фуқаролар йиғинининг жамоатчилик кенгаши фаоли, Жиззах вилояти

Сайдуллаев Сайдислом Хабибуллаевич — Бўка туманидаги «Ёқутхон-Саид» фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

Сайфуллаев Талип Вахабович — Яккасарой тумани маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг маслаҳатчиси, Тошкент шаҳри

(Давоми 2-бетда).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Табиат уйғониши ва янгиланишидан дарак берувчи, шарқий янги йил бошланишини англатувчи Наврўз байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, етакчи халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли дин ва жамоат арбобларидан Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилаклари билдирилган қутловлар келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Президент жаноблари!

Ўзбекистоннинг миллий байрами — Наврўз айёми билан Хитой ҳукумати ва халқи ҳамда шахсан ўз номимдан Сизни ва Ўзбекистон халқини чин қалбимдан муборакбод этишдан ғоят мамнунман.

Ўтган йили сентябрь ойида Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифим чоғида бўлиб ўтган дўстона ва сермаҳсул музокараларимиз натижаси ўлароқ мамлакатларимизнинг стратегик ҳамкорлигини янада ривожлантирувчи, халқларимиз манфаатига хизмат қилувчи қўшма баёнот қабул қилдик, давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш истиқболларини белгилаб олдик.

Мен Хитой — Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга катта эътибор қаратаман. Сизнинг жорий йил май ойига режалаштирилган илк "Хитой — Марказий Осиё" саммитида иштирок этишингизни ва Хитойга давлат ташрифингизни кутиб қоламан.

Сиз билан биргаликда Хитой — Марказий Осиё муносабатлари истиқболлари ҳамда мамлакатларимизнинг икки томонлама ҳамкорлигига оид катта режаларини муҳокама этишимиз Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигини янада юқори даражага кўтаришига ишончим комил.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, масъулиятли фаолиятингизда улкан зафарлар тилайман.

Дўст Ўзбекистон халқига бахт ва фаровонлик ҳамиша ёр бўлсин!

Эҳтиром ила,

Си ЦЗИНЬПИН,
Хитой Халқ Республикаси Раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Президент жаноблари!

Америка халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон халқига Наврўз айёми муносабати билан энг эзгу тилакларимизни йўлламоқдаман.

Ўтган йил давомида Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари умумий муаммоларни ҳал қилиш, халқларимиз хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлаш мақсадида бирлашди.

Ушбу уйғониш ва янгиланиш мавсумида Қўшма Штатлар Ўзбекистон халқига содиқлигини яна бир бор тасдиқлайди. Шу кунларда янги марраларни белгилаб, мустаҳкам тинчлик ва ўзаро англашув руҳидаги умумий келажак сари саъй-ҳаракатларимизни давом эттирар эканмиз, мен мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва халқларимиз дўстлиги янада мустаҳкамланишига ишонаман.

Наврўз муборак!

Ҳурмат билан,

Жозеф БАЙДЕН,
Америка Қўшма Штатлари Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда **"Инсон қадри учун"** деган эзгу ғоя асосида ҳар бир фуқаро эркин ва фаровон яшайдиган Янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадида халқимизнинг азалий орзу-интилишларига ҳамоҳанг ва уйғун ҳолда кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Олдимизга қўйган бундай улуғвор вазифани амалга оширишда биз, энг аввало, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимизга, юксак инсонпарварлик тамойилларини ўзида мужассам этган миллий ва диний қадриятларимизга таянишимиз табиийдир. Айниқса, эл-юртимиз доимо орзиқиб, катта хурсандчилик билан кутиб оладиган, жамиятимизда тинчлик, дўстлик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган муқаддас Рамазон ойининг бу борада алоҳида ўрни ва аҳамияти борлигини таъкидлаш лозим.

Бутун дунё мусулмонлари қатори халқимиз учун эзгулик, меҳр-мурувват, саховат, олийжаноблик ва шукроналик тимсоли бўлган муборак Рамазон ойини муносиб кутиб олиш ва юқори савияда ўтказиш, диний-маърифий, маданий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2023 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши **23 март** кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Рамазон ойини **миллий анъана ҳамда қадриятларга мос ва муносиб тарзда** ўтказишга доир чора-тадбирларни амалга оширсин.

Ҳудудларда Рамазон ойининг мазмун-моҳиятида мужассам бўлган **одамийлик, инсон шаънини улуғлаш, яхшилик ва меҳру саховат каби фазилатларни намоён этадиган, бугунги тинч ва осойишта ҳаётимизни қадрлаш, оила ва маҳаллаларда, бутун юртимизда меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш**га қаратилган тадбирларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси М.М.Камилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2023 йил 21 март

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2023 йил 22 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК НУТҚИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Миллий тараққиётимизни янги босқичга кўтариш йўлида мардона меҳнат қилаётган ҳурматли ака-укаларимиз, азиз опа-сингилларимизга — бутун халқимизга ишонамиз ва таянамиз.

Шу қутлуғ айёмда сизларнинг ҳар бирингизга Ватан равнақи йўлида қилаётган муносиб хизматингиз учун қўлимни кўксимга қўйиб, чин юракдан ташаккур билдираман.

Сиз, азизлар олдимизда турган муҳим сиёсий тадбирда ҳам юксак сиёсий тафаккур ва маданиятингизни намоён этиб, эришган ютуқларимиз ва ислоҳотларимизни қатъий давом эттириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратишга ўз ҳиссангизни қўшасизлар, деб ишонаман.

Мана шу бетакрор лаҳзаларда кўкламнинг ҳар бир куни, ҳар бир соатини ғанимат билиб, даласига йўл олаётган миришкор деҳқон ва фермерларимизга энг эзгу тилакларимизни билдирамиз.

Бугун катта орзу-умидлар билан сафларимизга кириб келаётган навқирон ўғил-қизларимизни — Янги Ўзбекистон бунёдкорларини барчамиз самимий олқишлаб, уларга бахт ва омадлар тилаймиз.

Мен бир фикрни такрор ва такрор айтишдан ҳеч чарчамайман — ҳар томонлама соғлом ва баркамол, билимли ва серғайрат ёшларимиз энг юксак марраларни эгаллашлари учун биз барча имконият ва шароитларни албатта яратиб берамиз.

Азиз фарзандларимиз эл-юртимиз ишончини оқлаб, катта-катта ғалабаларга эришаётгани барчамизни чексиз қувонтиради.

Куни кеча футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси қизғин беллашувларда мустаҳкам ирода ва маҳорат намунасини кўрсатиб, Осиё чемпиони, деган юксак шарафли номга сазовор бўлди. Айни пайтда улар Индонезияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритдилар.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ёшлари хоккей бўйича ўн саккиз ёш тоифасида барча рақибларни ортда қолдириб, Осиё чемпиони бўлдилар. Мамлакатимиз спорт тарихида илк бор мана шундай катта зафар қозонган ёш хоккейчиларимизга ҳар қанча таҳсинлар айтсак, арзийди. Айниқса, иқтидорли ҳужумчимиз Жасурбек Рустамхонов мусобақа давомида ўн тўртта гол уриб, чемпионатнинг ҳақиқий қаҳрамонига айланди.

Шунингдек, юртимиз ёш шахматчиларининг юксак интеллектуал салоҳияти дунё бўйлаб тилларда достон бўлмоқда, десак, асло муболаға бўлмайди.

Яқинда Тошкентда хотин-қизлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда истеъдодли шахматчи қизимиз Нилуфар Ёқуббоева 100 дан ортиқ хорижий иштирокчилар қатнашган мусобақада фахрли иккинчи ўринни қўлга киритганини алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман.

Мана шундай умидбахш ютуқлари билан азму шижоатли фарзандларимиз юртимиз ёшлари қандай улкан ишларга қодир эканини яна бир бор яққол намоён этдилар.

Шу каби ғоят муҳим ютуқларга ёшларимиз илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт соҳаларида ҳам эришиб келмоқдалар.

Шу муносабат билан ёш чемпион ва совриндорларимизни, уларнинг устоз ва мураббийлари, ота-оналарини, барча спорт мухлисларини, бутун халқимизни чин қалбимдан табриклайман.

Бу, ҳеч шубҳасиз, азамат ёшларимизнинг эл-юртимизга ҳақиқий Наврўз совғаси бўлди.

Янги Ўзбекистонга албатта мана шундай ғалабалар ярашади.

Янги Ўзбекистонга миллионлаб тенгдошларига ўрнак ва намуна бўладиган мана шундай ватанпарвар, қаҳрамон ёшлар керак.

Ўз даврида жаҳонни лол қолдирган буюк аждодларимизнинг муносиб давомчилари бўлган бундай ёшларимиз билан халқимиз, Ватанимиз ҳақли равишда фахрланади.

Катта раҳмат сизларга, азиз фарзандларим!

Ҳаёт йўлларингизда барчангизга доимо янги омад ва зафарлар ёр бўлсин!

Муҳтарам ватандошлар!

Мир Алишер Навоий бобомизнинг олам аҳлига, биз — авлодларга қарата **“Ҳар кунинг Наврўз бўлсин!”** деб айтган тилакларини ҳаммамиз яхши биламиз.

Шу маънода, кексаларга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатиш, ёрдам ва кўмакка муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш, беморларнинг дардига дармон бўлиш каби халқимизга хос савобли амалларни нафақат Наврўз айёмида, балки ҳар куни, виждон амри билан адо этишимиз лозим.

Бугун биз барпо этаётган ижтимоий ва халқпарвар давлатда меҳр-шафқат, саховат ва ҳиммат, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик ҳаётимиз қоидасига айланиши зарур.

Мен барчангизни, аввалambор, раҳбар ва мутасаддиларни шу борада янада фаол ва самарали ҳаракат қилишга даъват этаман. Токи азалдан одамийлик диёри, деб шуҳрат қозонган Ватанимизда ҳар бир инсон халқимиз ва давлатимизнинг меҳри ва эътиборини тўла ҳис қилиб яшасин.

Қадрли дўстлар!

Бу йилги хосиятли Наврўз фасли юртимизга кўплаб қувончли воқеалар, қўшалоқ байрамларни бошлаб келмоқда.

Шу кунларда барчамиз яна бир қутлуғ ва фазилатли ой — муқаддас Рамазони шариф арафасида турибмиз.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, юртимиз мусулмонларини, бутун ислом умматини ана шу табаррук айём билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ушбу илоҳий ойда қиладиган хайрли амалларимиз қабул бўлиб, эзгу ва пок ниятларимиз ижобат топишини тилайман.

Айни вақтда мамлакатимизда эртага нишонланадиган Маҳалла тизими ходимлари куни билан ҳам барчангизни қутлайман.

Мустақиллик йилларида Наврўзи олам диёримиздаги барча миллат ва элат вакилларини ягона, аҳил оила этиб бирлаштирадиган дўстлик ва нафосат байрамига айланганини биз юксак қадрлаймиз.

Бундай ноёб ва бебаҳо бойлигимизни ҳамиша кўз қорачиғидек асраб-авайлаймиз.

Тинчлик ва бағрикенглик элчиси бўлган бу айём — 21 март Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қарори билан Халқаро Наврўз куни сифатида кенг нишонлаб келинаётгани албатта барчамизни хурсанд қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, бизга ҳурмат кўрсатиб, бугунги сайил-шодиёнамизда иштирок этаётган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларини, халқаро ташкилотлар вакилларини чин дилдан қутлаб, уларнинг мамлакатлари ва халқларига самимий салом ва эзгу тилакларимизни йўллаймиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Барчангизни, бутун халқимизни Наврўз умумхалқ байрами билан яна бир бор табриклайман.

Фасли навбаҳор ҳар бир оила, ҳар бир маҳаллага, элу юртимизга тинчлик ва фаровонлик, бахту саодат олиб келсин!

Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛА ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИ ВА ФАОЛЛАРИГА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Энг муҳими, юртдошларимизнинг ижтимоий фаоллиги, ўз маҳалласи, эл-юртимиз тақдири ва келажагига дахлдорлик ҳисси ортиб бормоқда. Бу борада “Ташаббусли бюджет” дастури жорий этилгани муҳим роль ўйнамоқда. Ушбу дастур доирасида илгари сурилаётган таклифлар асосида аҳоли ҳаётига тааллуқли кўпгина долзарб масалалар ўз вақтида ва самарали ҳал этилмоқда.

Азиз юртдошлар!

Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ролини янада ошириш бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади. Шу мақсадда маҳалла фуқаролар йиғинига ўзи жойлашган ҳудуддаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларига таклифлар киритиш, Кенгаш қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда иштирок этиш ҳуқуқи берилмоқда. Шунингдек, аҳоли ўртасида эътирозларга сабаб бўлаётган ижтимоий муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш учун маҳалла раиси томонидан муҳокамалар ўтказиш, ҳар ойда маҳалла кенгашида тегишли давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг ахборотларини эшитиш амалиёти йўлга қўйилиб, “маҳалла назорати” ва “маҳалла раиси сўрови” институтлари жорий этилади.

Бу йил тарихимизда биринчи марта тажриба тариқасида ҳар бир ҳудуддаги битта туманда “маҳалла бюджети” тизими ўрнатилиб, мол-мулк ва ер солиғининг бир қисмини маҳаллаларнинг ўзида қолдириш кўзда тутилмоқда. Бу эса маҳаллаларимиз ҳудудидаги мавжуд муаммоларни бевосита улар томонидан мустақил ҳал этилишида муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тажрибанинг амалий натижаларига қараб, келгусида уни бутун республикамизда йўлга қўйиш масаласини кўриб чиқамиз.

Бир сўз билан айтганда, маҳаллаларни фуқаролик жамиятининг таянч устунига, чинакам халқчил тузилмага айлантириш учун барча чора-тадбирларни кўрамиз.

Муҳтарам дўстлар!

Юртимизда Наврўз нафаси кезиб юрган мана шундай шукуҳли кунларда шаҳар ва қишлоқларимиз, овул ва маҳаллаларимизда умумхалқ ҳашарлари, улкан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида миллионлаб кўчатлар экилмоқда, янги боғ ва хиёбонлар барпо этилмоқда.

Бугунги тинч, эркин ва осуда ҳаётимизни қадрлаш, маҳаллаларда, бутун юртимизда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ёлғиз кексалар, эҳтиёжманд оилалар, бемор ва ногирон инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича эзгу ва савоб ишлар кучайтирилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, ана шундай олийжаноб ишларга бош-қош бўлиб келаётган жонкуяр маҳалла оқсоқоллари ва фаолларига, ўзининг фидокорона меҳнати билан эл-юртимиз равнақига беқиёс ҳисса қўшаётган барча юртдошларимизга самимий миннатдорлик билдираман.

Биз маҳаллаларимизни янада обод ва фаровон этишда бундан буён ҳам сизларнинг куч-ғайратингиз, бой билим ва тажрибангиз, бунёдкорлик салоҳиятингизга таянамиз. Чунки Янги Ўзбекистонни барпо этишда биз учун энг муҳим ва асосий пойдевор бу — халқ овози, халқ фикри устувор бўлган маҳалладир.

Сиз, азизларни бугунги байрам билан, юртимизда давом этаётган Наврўз айёми ҳамда кириб келаётган муборак Рамазон ойи билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, хонадонларингизга файзу барака, серқирра ва масъулиятли фаолиятингизда ютуқ ва омадлар тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАҲАЛЛА ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шаймуратов Ибодулла Аҳанович — Бандихон туманидаги «Қалдирғоч» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сурхондарё вилояти

Шомуротов Тавакал Эргашевич — Марҳамат туманидаги «Бобохуросон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти

«Дўстлик» ордени билан

Абдуллаев Анвархон Ахмадхонович — Косонсой туманидаги «Аҳмадхон ҳожи Косоний» фермер хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

Аширова Ойсара Тоировна — Кармана туманидаги «Дўрман» маҳалла фуқаролар йиғининг маънавий-маърифий ишлар бўйича кенгаши фаоли, Навоий вилояти

Бегмуратов Жумабай Нургелдиевич — Тўрткўл туманидаги «Оққамиш» овул фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Бўлтаков Сайдалим — Зафаробод туманидаги «Лолазор» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Жиззах вилояти

Жалилов Шухрат Умирзакович — Сардоба туманидаги «Қўрғонтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сирдарё вилояти

Исроилова Махфузахон Нумановна — Хўжаобод туманидаги «Саноатчилар» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, Андижон вилояти

Нарзиева Гулнора Абдуллаевна — Қоровулбозор туманидаги «Бўзачи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Бухоро вилояти

Одиров Нурилло Зиядуллаевич — Косон туманидаги «Эсабой» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Қашқадарё вилояти

Рамазанова Дурдона Ахмедовна — Янгибозор тумани аёллар маслаҳат кенгаши раиси, «Оқила аёллар» ҳаракати фаоли, Хоразм вилояти

Рузиева Татьяна Викторовна — Термиз шаҳридаги «Темур Термиз сервис» профессионал бошқарув компанияси раҳбари, Сурхондарё вилояти

Сайфуллаев Шуҳрат Ҳошимович — Қўшработ туманидаги «Соҳибкор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Самарқанд вилояти

Юлбарсов Акрамжон Астанакулович — Фарғона вилояти нуронийлар жамоатчилик кенгаши фаоли

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Алматова Уктам Абдуллаевна — Сергели туманидаги «Бирдамлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

Зияева Зухра Джабар қизи — Данғара туманидаги «Арзиктепа» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, Фарғона вилояти

II даражали «Саломатлик» ордени билан

Бобоқулова Холбека Нормурадовна — Чироқчи туманидаги «Ўзбекистон» оилавий шифокорлик пункти патронаж ҳамшираси, Қашқадарё вилояти

Шеримбетова Алтинкул Серикбаевна — Томди туманидаги «Қулимбет» оилавий шифокорлик пункти катта ҳамшираси, Навоий вилояти

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

Захидов Элёрбек Тохтасинович — Жалақудуқ тумани ички ишлар бўлимининг жамоат хавфсизлиги хизмати профилактика катта инспектори, Андижон вилояти

Худайбердиев Жахонгир Абдуллаевич — Қуйи Чирчиқ тумани ички ишлар бўлимининг 1-ички ишлар бўлинмаси профилактика катта инспектори, Тошкент вилояти

«Жасорат» медали билан

Хакимов Азимжон Мамирджонович — Фарғона тумани «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғинидаги пойабзал таъмирлаш устаси, Фарғона вилояти

Юсупов Улугбек Долмуротович — Пастдарғом тумани «Зангибойи» маҳалла фуқаролар йиғинидаги электр пайвандловчи, Самарқанд вилояти

«Соғлом турмуш» медали билан

Алламуратова Шарафат Шариповна — Жарқўрғон туманидаги «Қорабуро» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, Сурхондарё вилояти

Кулмирзаева Мелихол Узаковна — Қарши туманидаги «Талликурон» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, Қашқадарё вилояти

Юнусова Рахима Лутпитдиновна — Наманган шаҳридаги «Баркамол авлод» болалар мактаби тўгарак раҳбари, Наманган вилояти

«Келажак бунёдкори» медали билан

Абдурасулов Жўрабек Эркинович — Олот тумани «Халқобод» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ёшлар етакчиси, Бухоро вилояти

Қурбонов Зиёдулла Ботирович — Жомбой тумани «Катта қишлоқ» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ёшлар етакчиси, Самарқанд вилояти

«Шуҳрат» медали билан

Абдиманнопов Абдулхафиз Абдухошимович — Андижон тумани «Саддатаги» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Андижон вилояти

Атауллаев Одилжон Касимович — Нурафшон шаҳри «Чиғириқ» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Тошкент вилояти

Жўрабоев Хуршид Абдувалиевич — Нуробод тумани «Жом» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Самарқанд вилояти

Имамов Санжарали Толкинович — Чилонзор туманидаги «Лаззатли таом зираворлари» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент шаҳри

Норбоев Ўткурбек Соҳаталиевич — Поп туманидаги «Соҳибкор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти

Рахимов Жамшид Орифжонович — Мингбулоқ тумани «Мустақиллик» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ёшлар етакчиси, Наманган вилояти

Рахимова Нигара Атабековна — Элликқалъа тумани «Қирққизобод» маҳалла фуқаролар йиғинидаги касб-ҳунарга ўқитиш маркази ишлаб чиқариш таълими устаси, тикувчи, Қорақалпоғистон Республикаси

Холматов Иброхимжон Уктамович — Учқўприк туманидаги «Катта Қашқар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Фарғона вилояти

Худайберганова Радхо Аллабергановна — Урганч тумани «Туркманлар» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ёшлар етакчиси, Хоразм вилояти

Ҳамраев Ҳомиджон Бозорович — Ховос туманидаги «Ховособод» маҳалла фуқаролар йиғининнинг жамоатчилик кенгаши фаоли, Сирдарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2023 йил 22 март

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Наврўз байрами муносабати билан Сизга ва бутун Ўзбекистон халқига самимий табрикларим ва энг эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз.

Қардош халқларимиз қадим-қадимдан ушбу айёмни уйғунлик ва ҳамжиҳатлик тантанаси, беминнат ёрдам ва бахт-саодат рамзи сифатида алоҳида шукуҳ билан нишонлайдилар. Наврўзнинг файзли кунлари қалбларимизга илиқлик бағишлаб, дўст мамлакатларимизга фаровонлик ва қут-барака олиб келсин.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан мустаҳкам дўстлик ва яхши қўшничиликка асосланган Қозоғистон — Ўзбекистон стратегик шериклиги ва иттифоқчилиги бундан буён ҳам қардош халқларимизнинг фаровонлиги йўлида жадал ривожланиб боришига ишонаман.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, ҳурматли Шавкат Миромонович, Сизга Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги ва равнақи йўлида бошлаган барча ишларингизда муваффақиятлар, халқингизга эса омонлик ва фаровонлик тилайман.

Наврўз ҳар бир хонадонга тўкинлик ва бахт келтирсин!

Ҳурмат билан,

Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ,
Қозоғистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Наврўз байрами билан Сизни чин дилдан қутлайман.

Янги йил бошланиши рамзи, тинчлик ва ҳамжиҳатликка чақириқ бўлган Наврўз айёми қардош халқларимизга барака ва фаровонлик келтирсин.

Жорий йил давлатларимиз учун тараққиёт йили бўлишига ишонаман. Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги муштарак маънавий қадриятлар, дўстлик ва стратегик шерикликка асосланган кўп қиррали муносабатлар изчил ривожланаверсин.

Муҳтарам Шавкат Миромонович, Сизга мустаҳкам соғлиқ, давлатчилик фаолиятингизда муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик ва порлоқ келажак тилайман.

Ҳурмат билан,

Садир ЖАПАРОВ,
Қирғиз Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Наврўз халқаро байрами кириб келгани муносабати билан эзгу тилакларимни изҳор этиб, Сизни ва юртингизнинг дўст халқини самимий муборакбод этаман.

Ушбу қадим айёмнинг бунёдкорлик руҳи ва маънавий илдизлари бугунги замонда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Наврўзга хос бўлган дўстлик ва биродарлик, ўзаро англашув, ҳурмат ва кўмак анъаналари бизни тинчликни янада мустаҳкамлашга, халқларимизнинг фаровон ҳаёти ва келажагини таъминлашга биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизни йўналтиришга даъват этмоқда.

Ишончим комил, мамлакатларимиз янги орзу-ниятлар билан Наврўзнинг ўчмас қадриятларига амал қилган ҳолда, стратегик шериклик ва иттифоқчилик доирасида яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини бундан буён ҳам кенгайтириб борадилар ва ривожлантирадилар.

Баҳорнинг ушбу қувончли кунларида Сизга, ҳурматли Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ ва муваффақиятлар, биродар Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва барқарор равнақ тилаб қоламан.

Наврўз муборак!

Ҳурмат билан,

Эмомали РАҲМОН,
Тожикистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Сизга ва қардош Ўзбекистон Республикаси халқига Наврўз халқаро байрами муносабати билан самимий табрикларим ва энг эзгу тилакларимни йўллаш мен учун шараф.

Табиат уйғониши, янгиланиш ва бунёдкорлик даракчиси бўлган Наврўз ўзида умуминсоний қадриятлар — тинчликсеварлик, инсонпарварлик ва яхши қўшничиликни мужассам этади. Умумий меросимиз бўлмиш ушбу айём халқларимизни яқинлаштиришда муҳим ўрин тутади ва давлатларимиз ўртасидаги ишончли муносабатларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Ушбу файзли байрам Сизга ва юртингизнинг бутун халқига қувонч, бахт-саодат ва фаровонлик олиб келсин!

Чуқур ҳурмат ила,

Сердар БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркманистон Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Сизни ва қардош Ўзбекистон халқини ўз номимдан ва Озарбайжон халқи номидан кириб келган Наврўз байрами билан муборакбод этаман.

Табиатдаги абадий уйғунликни ифода этувчи ушбу миллий байрам халқларимизнинг инсоният маданиятига қўшган қиймматли ҳиссасидир. Янгиланиш, ёшариш ва гўзаллик рамзи бўлмиш ушбу айём қалбларни нурга тўлдириб, ўзаро англашув, дўстлик ва ҳамжиҳатликни тараннум этади.

Сизнинг 2023 йил 1 — 3 март кунлари Озарбайжонга, Боку шаҳрига Қўшилмаслик ҳаракати Мулоқот гуруҳининг COVID-19 га қарши курашиш бўйича саммитида иштирок этиш учун амалга оширган ташрифингизни юксак қадрлайман, ўзаро ишонч руҳида ўтган учрашувимизни мамнуният билан эслайман.

Бой маънавий меросга эга қардош халқларимиз фаровонлиги йўлида ҳамда шериклигимиз ва ҳамжиҳатлигимизни асраб-авайлаш, доимо мустаҳкамлаб бориш мақсадида биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизни давом эттиришимизга ишончим комил.

Ушбу қутлуғ кунларда Сизга ва оилангизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, биродар Ўзбекистон Республикасининг равнақи йўлидаги олий давлатчилик фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Ҳурмат билан,

Илҳом АЛИЕВ,
Озарбайжон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Эсар Наврўз шамоли еллари ёрим кўчасидан,
Ёқ эй кўнгил чироғини истасанг гар мадад ундан.
Этакдан ғам ғуборин қоққани чиққин далаларга,
Кириб гулзор аро ўрган ғазал ёзмоқни булбулдан.
(Ҳофиз Шерозий)

Табиатнинг уйғониши ва хижрий-шамсий 1402 йилнинг бошланиши, қадимий Наврўзнинг кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари ва мамлакатингизнинг азиз халқини чин юракдан муборакбод этишдан бениҳоя мамнунман.

Баҳор она ер ва табиатнинг ўзгариш палласи, янгиланиш ва қайта жонланиш фасли, тафаккур аҳлининг борлиқ оламнинг улуғвор табиий жилваларидан бирини мушоҳада айлаш воситасида ўз Парвардигорининг жамолини кўриш томон интилишларидан бир нишонадир. Бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган бой маданият ва цивилизация рамзи ҳамда меҳр-муҳаббатга тўла кўҳна удум бўлмиш Наврўз эса ишқ-муҳаббатни эсга солувчи, ям-яшиллик ва мусаффоликдан хабар берувчи, қалбларни уйғотувчи ҳамда Яратганнинг завол топмас куч-қудратидан белги берувчи бир ҳодисадир.

Қутлуғ Наврўз шарофати билан одамларимизда ва уларнинг қалбларида улкан ўзгаришлар юз беради. Наврўздан илдиз олган азалий тарихий-маданий муштаракликлар воситасида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро дўстона муносабатларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш орқали халқларимиз тараққиёти ва фаровонлиги йўлида қадам ташлаймиз, деб умид қиламан. Бу йўналишда Эрон Ислом Республикаси минтақа ва жаҳонда тинчлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида Наврўз маданий минтақасининг барча мамлакатлари билан янада кўпроқ ҳамкорлик қилишга тайёрдир.

Қодир Эгамдан Сиз, Жаноби Олийларига соғлиқ ва муваффақият, дўст ва биродар Ўзбекистон халқига эса бахт-саодат ва фаровонлик ато этишини сўраб, янги йилнинг барча учун хайр-баракага тўла йил бўлишини тилаб қоламан.

Иброҳим РАИСИЙ,
Эрон Ислом Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Сиз, Жаноби Олийларига ўз саломларимизни ва самимий тилакларимизни мамнуният билан йўллаб, Сизга омад ва зафарлар тилаймиз.

Наврўз байрами муносабати билан Аллоҳ таолодан ушбу йилнинг хайр-барака йили бўлишини, биродар юртингиз ва халқингиз ривожи йўлида қилаётган барча саъй-ҳаракатларингиз амалга ошишини ҳамда Сизга узоқ умр ва бахт-саодат ато этишини сўраб қоламиз.

Байрамингиз муборак бўлсин!

Самимий эҳтиромлар ила,

Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол МАКТУМ,
Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти,
Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими

Шунингдек,

Туркия Республикаси Президенти **Режеп Таййип ЭРДОҒАН**,

Саудия Арабистони Подшоҳи **Салмон бин Абдулазиз Ол САУД**,

Грузия Президенти **Саломе ЗУРАБИШВИЛИ**,

Ироқ Республикаси Президенти **Абдуллатиф РАШИД**,

Саудия Арабистони Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси Раиси **Муҳаммад бин Салмон бин Абдулазиз Ол САУД**,

Туркий давлатлар ташкилоти Бош котиби **Кубаничбек ОМУРАЛИЕВ**,

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби **Ҳусрав НОЗИРИЙ**,

Кавказ мусулмонлари идораси раиси, шайхулислом **Оллоҳшукур ПОШШОЗОДА** ва бошқалар табрик йўллаган.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ, ЯШАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШ, МЕҲР-ОҚИБАТ БАЙРАМИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Наврўз — чинакам халқ байрами, миллий ўзлигимиз кўзгуси, маънавий ва маданий ҳаётимизнинг ажралмас қисми, десак, айни ҳақиқат. Бугун бутун халқимиз бу улуғ айёмни пок ният, ёруғ умидлар ва юқори кайфиятда нишонламоқда.

Ям-яшил далалар ҳамда гуллаган боғларда, майдон ва хиёбонларда, қишлоғу овулларда, маҳалла ҳамда кўчаларда Наврўзнинг дилбар тароналари — Янги кун наволари янграётир. Қир-адирларда эса мард ўғлонларимиз кўпкари чопиб, кураш тушмоқда. Кексаю ёш юртдошларимиз сумалак тўла қозонлар атрофида ўйин-кулгилар қилиб, баҳор неъматлари ҳамда байрам қувончини ўзаро баҳам кўрмоқдалар.

Бугунги муродбахш кунларда миришкор деҳқону фермерларимиз улкан ният ҳамда режалар билан даласи томон йўл олади...

Президентимиз ўз нутқида инсон қадрини улуғлаш, ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини амалда таъминлаш, барча шаҳар ва туманлар, олис ва чекка ҳудудлар аҳолиси учун муносиб шароит яратиб бериш, оддий айтганда, халқимизни рози қилиш бош мақсадимиз эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Иқтисодиёт ҳамда ижтимоий соҳаларни ҳар томонлама ривожлантириш, илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, соғлом турмуш тарзи ҳамда спорт, она табиатни асраш каби йўналишларда бошланган дастурлар жадал давом эттирилишини урғулади.

Аслида, эрта баҳорда табиат ўзининг кўрку чиройи, уйғониши билан инсонларга яхши кайфият улашиб, уларни ҳаракатга келтиради. Буни айни кунларда ватандошларимизнинг ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларига астойдил бел боғлаб, амалга ошираётган хайрли ишларидан ҳам яққол сезиш мумкин.

Наврўзи олам нафақат янгиланиш ва яшариш айёми, шу билан бирга, она Ватанга наф келтириш, эл-юрт равнақига муносиб ҳисса қўшишдек улуғвор ниятларни рўёбга чиқариш тантанаси сифатида ҳам қадрли ҳисобланади.

Мазкур байрам муносабати билан юртимизнинг барча ҳудудида бўлганидек, пойтахтимиз кўчалари, маҳаллалари ҳам кўркам қиёфа касб этган. Хусусан, "Янги Ўзбекистон" боғи ҳам айёмга хос тарзда безатилган.

Муаззам боғ бўйлаб турли баҳорий ноз-неъматлар, ҳунармандчилик маҳсулотлари намойиши ташкил этилган. Сумалак, ҳалим, кўксомса сингари Наврўз таомлари тайёрланган. Сочларига гулчамбар тақкан қизалоқлар табассуми, миллий либослар — дўпписию чопони, белбоғи ўзига ярашган йигитлар суҳбати, бугунги дориламон кунларга етказгани учун шукроналар айтаётган нуроний отахону онахонлар сўзида Ватанга бўлган юксак муҳаббат мужассам. Буларнинг барчаси янги Ўзбекистондаги янгиланишлар, туб ислоҳотлару фаровонлик ва файзу бараканинг ҳаётий ифодаси, десак, муболаға бўлмайди.

Бугун барча соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самараларини бермоқда, дея баралла айтоламиз. Дейлик, биргина ёшлар ўртасида спортни ривожлантириш ва бу борада уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш соҳасида ҳам худди шундай.

— Мен бир фикрни такрор ва такрор айтишдан ҳеч чарчамайман — ҳар томонлама соғлом ва баркамол, билимли ва сергайрат ёшларимиз энг юксак марраларни эгаллашлари учун биз барча имконият ва шароитларни, албатта, яратиб берамиз.

Азиз фарзандларимиз эл-юртимиз ишончини оқлаб, катта-катта ғалабаларга эришаётгани барчамизни чексиз қувонтиради, — деди Президентимиз.

Дарвоқе, бу йилги Наврўз байрамининг шукуҳи ўзгача. Ёш спортчиларимиз эришаётган натижалари айёмга муносиб совға бўлди, десак, янглишмаймиз. Жумладан, яқиндагина футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси қизғин беллашувларда мустаҳкам ирода ҳамда маҳорат намунасини кўрсатиб, Осиё чемпиони, деган юксак шарафли номга эришди. Бу билан улар Индонезияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритишди.

Куни кеча ушбу ёш спортчиларга Президент совғаси — енгил автомашиналар топширилгани уларга янги ғалабалар учун муносиб рағбат бўлиши аниқ.

Давлатимиз раҳбари ёш футболчиларимиз билан бирга, хоккейчилар ва шахматчиларимиз қўлга киритган ютуқларни ҳам алоҳида эътироф этиб, "Янги Ўзбекистонга миллионлаб тенгдошларига ўрнак ва намуна бўладиган мана шундай ватанпарвар, қаҳрамон ёшлар керак.

Ўз даврида жаҳонни лол қолдирган буюк аждодларимизнинг муносиб давомчилари бўлган бундай ёшларимиз билан халқимиз, Ватанимиз ҳақли равишда фахрланади", дея таъкидлади.

Дарҳақиқат, бу йилги Наврўз юртимизга қувончли воқеалар, қўшалоқ байрамлар билан кириб келди. Айни кунларда яна бир фазилатли ой — муқаддас Рамазони шариф арафасида турибмиз. Қолаверса, бугун Маҳалла тизими ходимлари куни ҳам кенг нишонланади. Президентимиз ватандошларимизни, маҳалла тизими фаолларини қўшалоқ байрамлар билан қутлади.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Шундан сўнг карнай-сурнай садоси янграб, байрам тантаналари бошланди. Шўх-шодон куй-наволарда юрт таровати ва гўзаллиги васф этилди. Оҳангларга уйғун ҳолда муҳташам саҳнада ўрнатилган улкан мониторларда серқуёш диёримизнинг фусункор манзаралари, қишдан чиқибоқ очилган чаманзорлар жамоли, шошқалоқ жилғалар акс этган лавҳаларни кўриб, беихтиёр осмони мусаффо, замини ҳосилдор, суви зилол, тупроғи табаррук мана шундай тинч ва жаннатмонанд ўлкада яшаш бахтини яна бир бор ҳис этасиз.

Бу йил Президентимиз таклифи билан юртимизда "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" деб номланди. Бундай эзгу ташаббус халқимиз, кенг жамоатчилик томонидан катта хурсандчилик билан кутиб олинди. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, "Инсон қадри учун" тамойилига асосланган чора-тадбирларни изчил давом эттириш, қолаверса, таълимнинг сифат ва самарадорлигини янада ошириш янги Ўзбекистон тараққиётининг асосий йўналишларидан биридир.

Халқимизнинг жипслиги, бирдамлиги ва ўзаро ҳамжиҳатлиги туфайли янги Ўзбекистонимиз йилдан-йилга ривожланиб, халқаро ҳамжамият томонидан ҳам юксак эътироф этилаётир.

Наврўз — эзгу тантаналар шодиёнаси, шу билан бирга, яратиш, яшнатиш, бунёдкорлик айёми ҳамдир. Шу маънода, ўтган давр давомида улкан дастур ҳамда лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди.

Масалан, сўнгги олти йилда биргина пойтахтимизда фаолият юритаётган корхоналар сони 2 баравар кўпайган. Тадбиркорлар учун қулай шароитлар яратилгани натижасида 26 миллиард доллар инвестиция киритилган.

Қолаверса, қурилиш жараёнлари ҳам жонланиб, янги-янги уй-жойлар, замонавий корхона ва иншоотлар барпо этилди. Шунингдек, 30 минг ўринли мактаблар, 20 минг ўринли боғчалар, 2 минг ўринли тиббиёт муассасалари, 200 гектар майдонда парклар, ўндан зиёд йирик спорт мажмуалари бунёд қилинди.

Шаҳарда жамоат транспортини ривожлантириш мақсадида 14 та метро бекати ишга туширилиб, кунлик йўловчи қатнови 1 миллиондан ошди. Йил якунигача яна 5 та бекат фойдаланишга топширилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 18 март куни Янги Тошкент шаҳри қурилишига тамал тоши қўйди. Янги Тошкент лойиҳаси доирасида босқичма-босқич амалга оширилиши режалаштирилган ишлар натижасида 20 минг гектарда 1 миллион аҳоли яшаши учун қулай шароит яратилади ва шунга мос инфратузилма билан таъминланади. Албатта, бундай ўзгариш ҳамда ислоҳотлар нафақат Тошкент шаҳрида, балки бутун мамлакатимиз бўйлаб давом эттириляпти.

Саҳнада ана шундай улкан муваффақиятлар, эришилаётган салмоқли натижалар турли бадиий гуруҳлар чиқишлари орқали намойиш қилинди. Дилбар хонишларда Ватан, ободлик, тинчлик, осуда ҳамда саодатли ҳаёт улуғланди. Бахтли авлод вакиллари — болажонлар эса беғубор орзуларни, ҳаёт нашидасини баралла куйлашди. Жўшқинлик, ёшлик, шижоат тараннум этилган куй-қўшиқлар барча-барчани рақсга чорлади.

...Наврўзни миллий урф-одат ҳамда қадриятларимизни ифода қилувчи кўзгу ҳам деймиз. Бу шодиёна тадбирида яққол намоён бўлди. Ёш истеъдод эгалари, ёғочот ўйнатувчилар, дарбозлар ҳам ўз иқтидорларини кўрсатдилар. Ватан ва мустақиллик, тинчлик ҳамда дўстлик қўшиқ, мусиқа ва рақсларда баралла мадҳ этилди. Тароналар, байрам жозибаси дилларга битмас-туганмас шодлик улашди. Наврўз таровати бутун юрт узра, қалбларданқалбларга кўчди.

Зеро, Президентимиз ўз байрам табригида Алишер Навоий бобомизнинг ушбу сатрларини қайд этиб ўтганидек:

Ҳар тунинг қадр ўлубон,
Ҳар кунинг бўлсин Наврўз.

Мазкур тантанадан сўнг Президентимиз Шавкат Мирзиёев Наврўз сайлида қатнашиб, миллий маданият марказлари ҳамда халқ амалий санъати кўргазмаларини кузатди.

Давлатимиз раҳбари байрамга келган одамлар билан суҳбатлашиб, уларни табриклади.

Наврўз сайиллари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, туман, қишлоқ ва овулларда давом этмоқда.

* * *

Мухбиримиз Наврўз байрами тантаналарида иштирок этган ҳамюртларимиз фикр-мулоҳазалари ва таассуротларини ёзиб олди.

Ўрол ЎРАЗБОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Наврўз миллий ўзлигимиз кўзгуси, маънавий ва маданий ҳаётимизнинг ажралмас қисмидир. Ушбу қутлуғ айёмда турли низо ва адоват, гина-аразлар унутилади, халқлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва аҳиллик тамойиллари янада кучаяди. Чунки Наврўзи оламнинг мазмун-моҳиятида инсонни улуғлаш, унинг қадри, иззат-ҳурматини жойига қўйиш каби эзгу фазилатлар мужассам.

Президентимизнинг Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик нутқини катта ҳаяжон билан тингладим. Унда инсон қадрини улуғлаш, ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини амалда таъминлаш, барча шаҳар ва туманлар, олис ҳамда чекка ҳудудлар аҳолиси учун муносиб шароит яратиб бериш ғоятда муҳим экани таъкидланди.

Дарҳақиқат, бугун биз, халқ вакиллари сайловчилар билан учрашувларда, аҳоли билан мулоқотларда муаммоларни эшитиб, жойида ҳал қилиш чораларини кўряпмиз. Бу борадаги ишларимиз доимийлик касб этади, албатта. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, халқни рози қилиш — бош мақсадимиз.

Исмоил ЗУБАИТОВ,
Ўзбекистон — Турк миллий маданий маркази раиси ўринбосари:

— Наврўз — умумхалқ байрами. Шу боис ушбу аёмни бутун халқимиз орзиқиб кутади. Бугунги тантанада иштирок этганимдан, "Янги Ўзбекистон" боғининг гўзаллигидан ғоят бахтиёрман. Шодиёна бу гал ҳам аввалгиларидек жуда шукуҳли ўтди.

Давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидладики, Ўзбекистон — кўп миллатли халқ. Бугунги кунда 130 дан ортиқ турли миллат ва элат вакиллари аҳил ҳамда иноқ умргузаронлик қиляпти. Айни пайтда Ўзбекистонда 70 мингдан зиёд турклар яшайди ва улар турли соҳаларда меҳнат қилиб, мамлакатимиз равнақига ўз ҳиссаларини қўшиб келаётир. Бизнинг марказимиз вакиллари нафақат Наврўз байрами, балки бошқа тадбирларда ҳам фаол қатнашиб келади.

Ўтказилаётган байрамлар ўзаро ҳамжиҳатлик, бирдамлик ва дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашда қўл келмоқда. Файзу барака ҳам аслида шунда. Анъанага мувофиқ, бу йил ҳам Наврўз байрами муносабати билан "Ўзбекистон — умумий уйимиз" шиори остида турли маданий тадбирлар уюштирдик. Уларда дўстлик, ўзаро ҳамкорлик нашидалари тараннум этилди.

Қобил АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманидаги "Шалола" МФЙ раиси:

— Президентимизнинг Наврўз байрами муносабати билан халқимизга йўллаган табригини зўр иштиёқ билан тингладим. Негаки, ҳар гал табригида маҳалла фаолларини, уларнинг меҳнатини ҳам алоҳида эътироф этади.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Маҳалла тизими ходимлари куни билан қутлаб, бизга илиқ тилакларини баён этди. Бундан беҳад мамнунмиз.

Маҳаллани бежиз миллий қадриятлар, урф-одат ва анъаналар бешиги, дейишмайди. Наврўз ҳам миллий қадриятларимиздан. Шу боис бизнинг маҳалламизда ҳам байрам муносабати билан баҳорий таомлар тайёрланиб, айём кенг нишонланди. Шодиёна арафасида турли манзарали ва мевали дарахтлар экдик, уларга шакл бердик.

Бугунги кунда маҳаллабай ишлаш тизими ўз самараларини беряпти. Мана шу янгича ёндашув орқали аҳоли муаммолари чуқур ўрганилиб, бандлиги таъминланмоқда, ижтимоий кўмакка муҳтожларга манзилли ёрдамлар кўрсатиляпти. Айём олдидан ижтимоий ҳимояга муҳтож, ёлғиз қариялар, ногиронлиги бор шахслар ва нуронийлар ҳолидан хабар олинди. Ушбу тоифадаги фуқароларимизга озиқ-овқат маҳсулотлари билан бирга, баҳорий таом — сумалак тарқатдик.

Албатта, бу борадаги ишларни янада тизимли давом эттирамиз. Зеро, маҳаллада ҳеч бир инсон эътибордан четда қолмаслиги керак.

Гавҳар РЎЗИЕВА,
Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманидаги Шодлик маҳалласи хотин-қизлар фаоли:

— Наврўз шундай бир байрамки, ерга яшиллик, одамларга эса баҳорий кайфият, шижоат ҳам беради. Шунинг учун ҳар йили ойламиз билан ушбу байрамни орзиқиб кутамиз.

Қаранг, бугун барча — ёшу қарининг юзида кулги, табассум, байрамона кайфиятда. Чунки бугун Наврўзи оламни катта тантаналар остида нишонлаяпмиз. Бунинг барчаси юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик боис.

Юртбошимиз ўз табригида бугун биз барпо этаётган ижтимоий ҳамда халқпарвар давлатда меҳр-шафқат, саховат ва ҳиммат, ўзаро ҳурмат ҳамда ҳамжиҳатлик ҳаётимиз қоидасига айланиши зарурлигини таъкидлади.

Бизнинг маҳалламизда ҳам "аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, ўтган йили ушбу дафтарга киритилган 20 нафардан зиёд аёлларни тадбиркорликка жалб этиш мақсадида субсидиялар ажратилди. Яна бир нечтасига имтиёзли кредит маблағлари берилди. Ўттиздан ортиқ хотин-қизлар эса моддий жиҳатдан рағбатлантирилди. Бунинг натижасида кўплаб хонадонларга файз-барака кираётир.

Бу йўналишдаги ишларни изчил давом эттирамиз. Зотан, Юртбошимиз таъкидлаганидек, "одамийлик диёри" деб шуҳрат қозонган Ватанимизда ҳар бир инсон халқимиз ва давлатимизнинг меҳри ҳамда эътиборини тўла ҳис қилиб яшаши керак.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
("Халқ сўзи").

Эксклюзив интервью

Хорижий мамлакатлар дипломатлари:

НАВРЎЗ — ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК АЙЁМИ

21 март куни "Янги Ўзбекистон" боғида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг табрик нутқида халқимизни ушбу баҳор айёми билан самимий табриклади. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари хорижий давлатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотлар вакилларини самимий қутлар экан, уларнинг мамлакатлари ва халқларига эзгу тилакларини изҳор қилди.

Ўз навбатида, байрам меҳмони бўлган хорижлик дипломатлар "Дунё" ахборот агентлиги учун берган интервьюлари чоғида барча ўзбекистонликларни ушбу байрам билан муборакбод этди.

Муса ЖАМАНБАЕВ, Қирғизистон элчиси:

— Наврўз нафақат Марказий Осиё халқларининг, балки бутун инсониятнинг байрамидир. Чунки Наврўз қалб таровати, қувончи, баҳор тараннуми ва янгиланиш байрамидир.

Ўзбекистонда бўлгани каби Қирғизистонда ҳам бу айём интиқлик билан кутилади, севиб байрам қилинади ва кенг нишонланади. Бу том маънодаги миллий байрам ҳисобланади.

Ушбу қутлуғ байрам ҳар бир инсоннинг ички шодлигидан ташқари, бирлик каби кучли туйғуни ҳам беради — у халқларни, маданиятларни бирлаштиради. Бу тинчлик ва дўстлик айёми ҳамдир.

Мен ўзбек халқини Наврўзи олам билан табриклайман ва уларга энг эзгу истакларимни, бардавом тинчлик ва фаровонлик тилайман!

Жонатан ХЕНИК, АҚШ элчиси:

— Ўзбекистон фуқароларига Наврўз айёми муборак бўлсин!

Бугунги тадбирда иштирок этиш мен учун катта шарафдир. Мана шундай ажойиб байрамни Ўзбекистон халқи билан бирга нишонлаётганимдан бениҳоя мамнунман.

Ушбу байрам ҳаммамиз учун бағрикенглик ва инклюзивлик тимсоли ҳисобланади. Бугунги шодиёнада турли миллат ва элатлар вакилларининг бир саҳнада иштирок этаётганликлари, турли тилларда қўшиқлар куйлашаётгани ҳам ўзбек халқига хос бўлган бағрикенгликнинг яққол тасдиғидир. Сизнинг кўп миллатли, бағрикенг ва хорижликлар учун доимо очиқ бўлган ажойиб ўлкангизда бетакрор Наврўз байрамини кутиб олаётганимдан бениҳоя бахтиёрман.

Ежи МАЦУЛЕВИЧ, Ватиканнинг Муваққат ишлар вакили, епископ:

— Биз "Янги Ўзбекистон" боғидаги тантаналарда иштирок этдик. Бу чуқур рамзий маънога эга, чунки Наврўз — янгиланиш ва гуллаб-яшнаш байрамидир. Мен Янги Тошкент қурилишида илк тамал тошини қўйиш маросимида ҳам қатнашдим. Бу ҳам мамлакатнинг янгиланиши, унинг юксалиши ва ривожланишининг яна бир муждасидир.

Ўзбек халқига барча ишларда муваффақиятлар, шунингдек, бугунги кун каби ёруғ, қуёшли кунлар, ушбу йилга ҳам, қалбларга ҳам бугунгидек чароғонликни, Худонинг иноятини тилайман. Ҳар бир оилада ва гўзал мамлакатингизда доимо тинчлик барқарор бўлсин!

Ҳусейн ГУЛИЕВ, Озарбайжон элчиси:

— Аввало, шуни таъкидлаш керакки, ушбу ажойиб байрам табиатнинг уйғониши, янгиланиши, меҳр-оқибат ва раҳм-шафқат рамзидир. Ушбу айём бизнинг қардош мамлакатларимизда ва дунёда кенг нишонланиши бежиз эмас. Ўзбекистон Президенти ўз нутқида таъкидлаганидек, тинчлик ва бағрикенглик рамзи бўлган Наврўз 2009 йилдан буён ЮНЕСКО қарорига мувофиқ Халқаро Наврўз куни сифатида кенг нишонланиб келинади.

Мамлакатларимизда Озарбайжон ва Ўзбекистон раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари туфайли бугун ушбу шукуҳли байрам ўзига хос барча урф-одат ва анъаналаримизни намоён этган ҳолда нишонланмоқда. Наврўз бизнинг яқинлашувимиз ва бирлигимизнинг яна бир сабабидир.

Олий даражадаги мунтазам ва самарали мулоқот туфайли Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатлари барча йўналишда жадал ривожланаётганини чуқур мамнуният билан таъкидлаш лозим.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқига фаровонлик, бахт ва юксалишлар тилайман!

Бумедиен ГЕННАД, Жазоир элчиси:

— Мен Президент Шавкат Мирзиёевнинг ушбу тантаналарда янги Ўзбекистон барпо этилишининг муҳим йўналишлари, шунингдек, баҳор фаслининг бошланиши ва янгиланиш тимсоли бўлган Наврўз байрамининг чуқур маъноси акс этган нутқини катта эътибор билан тингладим. Ушбу ажойиб тадбирда қатнашиш имконияти тақдим қилинганини учун ўз миннатдорлигимни билдираман. Ўзбекистонда Наврўз бу қадар кенг нишонланаётгани менда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон раҳбариятини, қардош ўзбек халқини баҳор байрами — Наврўзи олам билан қутлайман! Келаётган пайшанба куни мусулмонлар учун муқаддас Рамазон ойи бошланади. Ушбу фурсатдан фойдаланиб, ўзбек халқига бундан-да юксак тараққиёт ва равнақ тилайман!

Дьюла КОВАЧ, Венгрия элчиси:

— Мамлакатингизнинг миллий байрами — Наврўзи олам шодиёнасини ўзбек халқи билан биргаликда нишонлаётганимдан хурсандман. Бугунги тантаналар ўзининг кўлами, даражаси ва мазмуни билан аввалги йиллардагидан-да янада юқори савияда ўтди.

Наврўз дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик байрами ҳисобланади. Шу маънода, сўнгги йиллар давомида Венгрия — Ўзбекистон алоқалари мутлақо янги руҳ касб этгани ҳолда ҳамма йўналишларда ва барча даражаларда жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

Биз Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг муваффақиятларини катта қизиқиш билан кузатмоқдамиз. Мамлакат халқи ва раҳбариятининг янги Ўзбекистонни барпо этишга бўлган интилиши ва саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаймиз. Бу жараёнда Ўзбекистон халқига янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Маниш ПРАБХАТ, Ҳиндистон элчиси:

— Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси номидан ўзбек халқини Наврўз байрами билан табриклаш менга катта мамнуният бағишлайди! Ушбу байрам баҳор келиши, янги умид ва истиқбол режалари вақтининг рамзи ҳамдир.

Наврўз — ҳамжиҳатлик байрами. Бугун "Янги Ўзбекистон" боғида йиғилганларнинг барчасида, биз, яъни дипломатия корпусининг барча вакилларида ҳам қувонч ва ғайрат-шижоатни кўриб турибман.

Наврўз Ҳиндистоннинг айрим ҳудудларида ҳам нишонланади. Демак, Наврўз байрами Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқларини, шунингдек, бутун минтақани бирлаштиради, дейиш мумкин.

Айни пайтда Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги муҳим босқичи — конституциявий ислоҳотлар палласи ва бўлажак референдум олдида турибди. Амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсад суверен демократик давлат — янги Ўзбекистонни барпо этишдан иборат. Ёрқин байрамда ўзбек халқига ушбу эзгу йўлда янгидан-янги омад ва муваффақиятлар тилайман.

"Дунё" АА мухбирлари.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2023 йил 22 март

Биз ва жаҳон

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 49-сессиясида Ўзбекистон ташаббуси билан бир қатор резолюциялар қабул қилинди

Ўзбекистон делегацияси 16-17 март кунлари Нуакшот (Мавритания) шаҳрида бўлиб ўтган Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг (ИҲТ ТИВ) 49-сессияси йиғилишида қатнашди.

Сессия “Меъёрийлик — хавфсизлик ва барқарорликнинг калити” шиори остида ўтди. Унда ташкилотга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари, кузатувчи мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Тадбирнинг очилиш маросими Покистон вакили — ИҲТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг амалдаги 48-сессияси раисининг нутқи билан бошланди. Покистон делегацияси раҳбари, ташқи ишлар вазири Билавал Бхутто Зардорий раислик даврида бўлиб ўтган тадбирлар, ИҲТ учун устувор масалалар бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил маълумотларни тақдим этди.

У Ислом умматининг бирлиги ва ИҲТнинг тинчликка, хавфсизлик ва тараққиётга таҳдидларни бартараф этишдаги ўрни муҳимлигини таъкидлади.

Покистон делегацияси ИҲТ Ташқи ишлар вазирлари кенгаши раислигини Мавритания ташқи ишлар вазири Муҳаммад Салем Улд Марзугага расман топширди.

49-сессиянинг махсус меҳмони, БМТ Бош котибининг Яқин Шарқ, Осиё ва Тинч океани бўйича ўринбосари Холид Хияри БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг қутловномасини ўқиб берди.

“Зўравон экстремизмга қарши кураш” мавзуидаги муҳокамада Мавритания, БАА, Гамбия, Тунис, Нигерия вакиллари ҳамда ИҲТ Бош котиби Ҳусайн Иброҳим Таҳа сўзга чиқди. У экстремизм таҳдидларини бартараф этиш учун хавфсизлик стратегиясини профилактика чоралари билан бирлаштириш, шунингдек, таълим, яхши бошқарув, ривожланиш, тенглик ва адолатни тарғиб қилиш зарурлигини таъкидлади.

“15 март — Халқаро исломофобияга қарши кураш куни”, деб эълон қилинишига бағишланган махсус сессияда ИҲТ Бош котибияти, БМТ Цивилизациялар альянси, Саудия Арабистони Подшоҳлиги, Жибути, Туркия ва Мавританиянинг ушбу мавзуга доир ишлари натижалари ҳақидаги видеофильм намойиш этилди.

Сессия якунлари бўйича 102 та резолюция қабул қилинди.

ИҲТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 49-сессияси Ўзбекистон томонининг ташаббуси билан “Афғонистон: хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт” Тошкент халқаро конференцияси натижаларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги резолюциясини тасдиқлади.

№ 4/49-CUL резолюциясининг 31-бандига Ўзбекистон томонидан илгари сурилган “Самарқанд шаҳрида Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Халқаро ёшлар форуми тўғрисида”ги қарорнинг асосий қоидалари киритилди.

“Афғонистонни қўллаб-қувватлаш бўйича минтақавий ташаббуслар” резолюциясида Ўзбекистонда ўтказилган қатор халқаро конференциялар, Афғонистонда таълим соҳасини ривожлантириш, ушбу мамлакатни савдо-иқтисодий ва инфратузилма лойиҳаларига жалб этиш масалалари, Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўли лойиҳаси ва Сурхон — Пули-Хумри электр узатиш линияси қурилиши каби ташаббуслар муҳим ўрин тутган.

Иштирокчилар Ўзбекистон томонидан илгари сурилган резолюция, хусусан, Афғонистон бўйича конференция якунлари ушбу мамлакат муаммоларини ҳал этиш, унинг хавфсизлиги ва иқтисодий ривожланишига эришиш йўлларини ишлаб чиқишга қаратилганини таъкидладилар.

“Афғонистон: хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт” Тошкент халқаро конференцияси натижаларини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги резолюция (9 преамбула) Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ шафелигида Афғонистон бўйича Халқаро музокаралар гуруҳини ташкил этиш ташаббусини эътиборга олган ҳолда (9 преамбула) унга содиқликни (7-банд) ўзида ифода қилган. Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон раҳбари ташаббуси билан мазкур гуруҳнинг ташкил қилиниши қўшни Афғонистонда барқарорлик ва ушбу мамлакатда қонуний ҳокимиятни ўрнатишнинг ҳақиқий платформаси ҳамда самарали механизмига айланади ва бу тез орада жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинади.

Сессия доирасида ИҲТ Бош котибининг гуманитар масалалар, фан ва технологиялар, иқтисодий масалалар, сиёсий масалалар, Фаластин масалалари, маъмурий ҳамда молиявий масалалар бўйича олти нафар янги ўринбосарини 2024 йил 1 июлдан беш йиллик муддатга сайлаш бўйича сайловлар бўлиб ўтди.

Шунингдек, 2024 — 2026 йилларда ИҲТ Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси аъзоларига сайловлар ҳам бўлиб ўтди.

Сессия якунлари бўйича Нуакшот декларацияси қабул қилинди.

ИҲТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 49-сессияси йиғилиши якунида Камерун Республикасининг мазкур кенгаш 50-сессиясини ушбу мамлакатда ўтказиш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватланди.

«Дунё» АА.
Нуакшот шаҳри

Бугун — Маҳалла тизими ходимлари куни

Бугунги кунда маҳаллага алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Бу — нафақат давр талаби, шунинг баробарида демократия мактаби, қадриятлар бешиги бўлган ноёб ошёнимизни янада мустаҳкамлаш ва барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу маънода, барча поғонадаги бошқарув, давлат хизматчиси, етакчилар маҳаллага ва унинг муаммоларини бартараф қилишга бел боғлаганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида, хусусан, Тараққиёт стратегияси мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда маҳаллага алоҳида эътибор берилаётгани мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамиятининг асосий институти сифатида босқичма-босқич такомиллашиб бораётганини, ҳуқуқий давлатнинг ўз ваколатларини демократик тамойиллар асосида амалга ошириши учун қулай ва кенг имкониятлар пайдо бўлаётганини англатади.

ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИ

Таъкидлаш жоизки, маҳалла ва у билан алоқадор жараёнлар тарихи қадим замонларга бориб тақалади. Тарихий манбаларда қайд этилишича, Жез даврининг ёдгорлиги бўлган Сополлитепада 8 та оила яшаган. Кейинчалик, уларнинг сафига патриархал тизим асосида 100 дан ортиқ оилалар келиб қўшилган. Катта оилалар жамоасини оқсоқоллар бошқарган, улар эса, ўз навбатида, оқсоқоллар кенгашига бирлашган.

Ўзбекистон жамияти тарихида савдо-ҳунармандчилик мавзеларини ифодаловчи арабий калима — “маҳалла” атамасини биринчи марта Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида учратиш мумкин. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг мавжудлиги ва уларнинг ташкилий-мақомий вазифалари хусусида мулоҳазалар учрайди.

IX аср тарихчиси Наршахийнинг “Бухоро тарихи” китобида Бухорои Шарифда бундан 1100 йил олдин ҳам маҳалла, гузарлар мавжудлиги қайд этилади. Кейинги даврлардаги олим ва мутафаккирлар маҳаллани “қўни-қўшничиликка асосланган жамоа”, деб қайд этади ва улар тарихини бевосита Мовароуннаҳр шаҳарлари билан боғлайди.

Алишер Навоийнинг бадиий ижоди, унинг сиёсий-фалсафий қарашларида ҳам маҳалла мақоми, унинг ўша давр жамияти ижтимоий-маънавий тизимидаги роли ҳақида кўп фикр-ғоялар илгари сурилган. Мутафаккир ўзининг “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида маҳаллалар хусусида, жумладан, қуйидаги маълумотларни беради: “Дўстмуҳаммад — Марғани маҳалласидандур. Ҳам шеърга, ҳам муаммоға таъби яхшидур”. Ушбу таъкид шуни кўрсатадики, Алишер Навоий яшаган даврда ҳам маҳалланинг ҳаётда тутган ўрни, нуфузи диққатга сазовор бўлган ҳамда маҳалладошлар ўртасида ўзаро ҳурмат, тинчлик, бир-бирига ғамхўрлик қадрланган.

Тарихдан маълумки, Алишер Навоий ҳам шу маҳаллада яшаган. Шоир бу ҳақда, яъни Навоий ўзи турган ҳовлисининг маҳалладаги ўрни ҳақида шундай дейди: “Бу Марғани кўшки мана шу ўралган ҳовлининг Жанубий чегараси билан Ғарбий чегарасининг ўртасида эди”. Улуғ зотлар ўзлари яшаган маҳаллага, одамларига меҳр билан қараганлар. Алишер Навоий Ҳиротнинг Марғани маҳалласида яшар экан, у ерга сув чиқарган, шаҳарнинг энг гўзал мавзеига айлантирган.

Табиийки, мустақиллик йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи — тарихий, ижтимоий-демографик, маданий-маънавий ва ҳудудий-маъмурий бирлик сифатидаги мақомга эришди. У ўз ҳудудидаги фуқаролар ўртасида анъаналар, урф-одатлар, ҳуқуқий, хўжалик муносабатлари бирлигини ташкил этиб, такомиллашиши натижасида фуқароларнинг ўзаро ижтимоий муносабатларини боғлаб туришда муҳим институтга айланди. Шунингдек, маҳаллалар ижтимоий-сиёсий қарорлар қабул қилишда жамоатчилик иштирокини фаоллаштиришнинг самарали воситаси эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб берди.

Бугунги кунда жамият ҳаётининг демократлашиши ва модернизациялашуви маҳалла, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ҳам четлаб ўтмади. Унинг бошқарувдаги шакл ва мазмуни ўзгариб, давр моҳияти билан уйғунлашиб борди.

Маълумки, маҳалла борасида олиб борилаётган сиёсат иккита муҳим вазифани ҳал этишни кўзда тутади. Биринчиси, ***маънавий вазифа*** бўлиб, у ўзбек халқининг минг йиллик тарихидаги ноёб, энг азиз анъаналари, қадриятларни қайтадан тиклаш ва ривожлантиришдан иборат. Иккинчиси, ***сиёсий вазифа*** бўлиб, маҳалла институтини бугунги замон талабларига мувофиқ тарзда тиклаш ва унинг ваколатларини кенгайтиришдан иборат. Шу боис Ўзбекистонда мустақилликнинг илк даврларидан бошлабоқ, маҳалла институтига катта аҳамият берилди. 1992 йилда республика “Маҳалла” хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” Президент Фармони ва 1993 йилда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” Қонун қабул қилинди.

Мазкур меъёрий ҳужжатлар орқали маҳалла ўз аҳлининг маънавий, руҳий дунёси, мафкуравий онги ва тафаккури, инсонларнинг ўзаро алоқалари, оилавий муносабатларини шакллантирувчи, қўни-қўшничилик, қуда-андачилик каби муаммо ва масалаларни ҳал этувчи нодавлат ташкилот эканлиги ўз моҳиятини топди. Зеро, маҳалла жамият ҳаётида тинчлик ва осойишталики, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни сақлашда меҳр-оқибатлилик, шафқат ва мурувват каби усуллар билан ҳар қандай мавжуд муаммоларнинг ечимини топа оладиган ижтимоий ҳодиса эканлигини таъкидлаш жоиз. Негаки, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар, авваламбор, маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган.

Биз “Маҳалла — ҳам ота, ҳам она” деган ҳикмати нақлни ана шу ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси сифатида қабул қиламиз. Айниқса, кейинги йилларда маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилмоқда, улар бугун ўзини ўзи бошқариш идораси, ҳақиқий демократия дарсхонаси сифатида кенг кўламли фаолият олиб бормоқда. Маҳалла бошқарувига катта эътибор бугун мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг халқчиллигидан далолат беради.

Бугун нафақат маҳалла оқсоқолию, унинг фаоллари, балки ҳудуд аҳолиси ҳам маҳалланинг фуқаролик жамиятини ташкил қилишдаги асос ва таянч ролини ҳис этмоқда. Буни яна шундан сезиш мумкинки, айнан фуқаролар йиғинлари фаолияти туфайли аҳолининг маҳаллий ва бошқарув органларига мурожаатлари камайиб бормоқда. Демак, аҳоли билан бошқарув органлари ўртасидаги муносабатларда маълум даражада маҳалла томон бурилиш ясалди.

Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Тараққиёт стратегиясидаги 7 йўналиш ва 100 та мақсад доирасида белгиланган бош мақсаднинг асосий ғояси — инсон қадрини таъминлашдир. Ушбу воқелик ва мақсад маҳалла билан бевосита алоқадор, десак, муболаға бўлмайди. Чунки Ҳаракатлар стратегиясининг ҳар бир устувор йўналиши бўйича ҳозирги кунга қадар 26 та концепция ва бир қатор дастурлар қабул қилинган бўлса, келгусида Тараққиёт стратегияси доирасида 13 та кодекс, 12 та қонун, яъни ҳар бир устувор йўналишда зарур қонун ҳужжатлари қабул қилиниши кўзда тутилган бўлиб, буларнинг барчаси инсон омили ва маҳалла билан узвий алоқадор.

Тараққиёт стратегияси маҳаллалар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Энг муҳими, унда белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ўз вақтида ва юксак самарадорлик билан ҳаётга татбиқ этилиши, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, маҳаллаларнинг жойларда халқнинг маслақдоши ва кўмакдошига, таъбир жоиз бўлса, “адолат тарозиси”га айланишини таъминлади. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Ислоҳотларимиз натижалари, бўлаётган ўзгаришлар ва аҳолининг кайфияти аввало маҳаллада сезилади. Шу маънода, “маҳалла — жамиятимизнинг ёруғ юзи ва виждони кўзгуси”, десак, тўғри бўлади. Шунинг учун барча даражадаги раҳбарлар пастга тушиб, ўз соҳаси бўйича маҳаллалардаги муаммоларни ўрганиши ва уларга ечим топиши, одамлар сезадиган натижани таъминлаши шарт”.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида талабаларни маҳалла билан боғлашга қаратилган қатор амалий ишларга қўл урилди. Хусусан, бундай ишлар махсус тайёрланган услубий қўлланма асосида амалга оширилмоқда. Унда университет талабаларида ўз юртига садоқат, бағрикенглик, ватанпарварлик ва меҳр-оқибат ҳиссини ривожлантириш, жамиятимиз асоси бўлган маҳалла институтининг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш мақсадида фалсафа фанидан “Менинг маҳаллам — менинг фахрим” мавзуида талабаларнинг мустақил ишини ташкил қилиш юзасидан тегишли тавсиялар қамраб олинган. Унинг асосий мақсади, нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан талаба ёшларни маҳалла ҳаётига, унинг қадриятларига яқинлаштириш ва шу орқали ўзлигини англаши, ватанпарварлик, элпарварлик эътиқодини ривожлантиришдир. Янада аниқ айтсак, жамият тараққиётида ва инсоннинг шахсий ҳаётида маҳалланинг муҳим қадрият сифатидаги ўрнини кўрсатиб бериш, талаба ёшларнинг миллий ва умуминсоний қадриятлар тизимига асосланган ахлоқий нормаларни — ўз маҳалласи билан фахрланиш, кишиларга меҳр-оқибат, бағрикенглик, оилапарварлик ва ватанпарварлик каби туйғуларини ривожлантириш, эстетик дидини тарбиялаш, илмий изланиш кўникмаларини шакллантириш ва фикрлашда мантиқий аниқлик, изчиллик қоидаларига амал қилишга ўргатишдан иборат.

Бу орқали талаба ўз маҳалласи тарихи ва бугунги кунидан хабардор бўлади. Маҳалла тарихини билиши унда тарихий онгни шакллантириб, унинг эътиқодини мустаҳкамлайди. Табиийки, эътиқодли ёшларда дахлдорлик ҳисси юқори бўлади. Ўз ошёни — маҳалласи ва Ватани тақдирига бефарқ бўлмайди. “Шу азиз Ватан меники” тушунчасини қадрлашга ўргатади, уларнинг дунёқараши бойиб, тафаккури тўғри шаклланади.

Исмоил САИФНАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори,
ТДИУ профессори.

ҚУРЪОН, САХОВАТ ВА ЭЗГУ НИЯТЛАР ОЙИ

“Эй имон келтирганлар! Сизларга рўза фарз қилинди…” *(“Бақара” сураси, 183-оят), деб марҳамат қилган Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин!*

“Сизларга муборак Рамазон ойи кириб келди” (Имом Насоий раҳимаҳуллоҳ ривояти) дея улуғ ойнинг баракатини эълон қилган Расululлоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга саловоту саломлар бўлсин!

Мушоҳада

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: **“Рамазон ойики, унда Қуръон туширилгандир …”** (“Бақара” сураси, 185-оят). Шу боис мазкур ойда улуғларимиз Қуръон тиловатига, тинглашга кўпроқ эътибор қаратган. Жумладан: Имом Молик роҳимаҳуллоҳ Рамазон ойи кириши билан барча илмий фаолиятларини тўхтатиб, фақат Қуръон тиловати билан машғул бўлар эди. Имом Зуҳрий роҳимаҳуллоҳ: “Бу — фақат Қуръон ўқиш ва хайру эҳсон қилиш ойи”, деб Рамазонда фақат мазкур икки амал билан шуғулланарди. Имом Шофеъий раҳимаҳуллоҳ эса Рамазон ойида Қуръонни олтмиш марта хатм қилишга одатланган эди.

Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ Рамазон ойида ҳар куни Қуръони каримни бир марта тўлиқ ўқиб чиқар эди. Шунингдек, таровиҳ намозидан кейин ҳам Қуръон ўқиб, ҳар уч кунда бир марта хатми Қуръон қилишга одатланган эди.

Қуръон аҳли ва Қуръон таълими доим халқимиз, хусусан, давлатимиз эътиборида бўлиб келган. Айниқса, кейинги йилларда Президентимизнинг барча соҳалар қатори қорилар ва Қуръон таълимига бўлган эҳтироми халқимизнинг меҳрини қозонмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг ***“Қуръонни эшитиш, эшита олиш юксак маънавият, маърифат. Қуръон ҳеч қачон ёмонликка даъват қилмайди. Агар Қуръони каримни эшита олсак, эшиттира олсак, бу муваффақият бўлади. Элимизга нур келади”*** деган сўзлари 2018 йилдаги Қуръон мусобақасининг кўтаринки руҳда ўтиши, республикамизнинг турли вилоятларида 26 та “Қуръони карим ва тажвид” ўқув курслари ташкил қилиниши ва бу ўқув курсларида бугунги кунга келиб, 30 мингдан зиёд аҳолининг Қуръони каримни ўрганишга бўлган эҳтиёжларини қондиришга эришилиши учун асос бўлди.

Шунингдек, Рамазон ойида Қуръони каримга бўлган эътибор ва эҳтиром ҳар қачонгидан зиёда бўлади. Хусусан, таровиҳ намозларидаги хатми Қуръон тадбирларининг кўтаринки руҳда, халқимизнинг хоҳиш-истакларини инобатга олган ҳолда ташкил қилиниши сўзимизнинг исботи. Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан Рамазон ойида хатми Қуръон тадбирларида иштирок этадиган қориларни саралаш, суҳбатдан ўтказиш анъанаси йўлга қўйилди. Мазкур анъанага мувофиқ, “Қуръон ва тажвидни ўргатиш” бўлими томонидан жорий йил Рамазон ойидаги хатмоналарда иштирок этадиган республикамизнинг барча масжидларидаги қорилар аттестациядан ўтказилди. Бунда қориларнинг қироат, тажвид, оҳанг ва ҳифз (ёдлаш даражаси)даги маҳоратларига алоҳида урғу берилди. Бундан кўзланган асосий мақсад халқимизнинг Қуръони карим тиловатидан энг яхши шаклда баҳраманд бўлишларини таъминлашдан иборат. Бу амалиёт юртимиз тарихида биринчи бор қўлланилаётгани билан аҳамиятга моликдир.

Шуниси ҳам эътиборлики, бу йилги Рамазон ойидаги хатми Қуръон тадбирларимиз бутун республикамизда бир хил тартибда, яъни 27 кунлик қилиб белгиланди. Бунинг учун “Қуръон ва тажвидни ўргатиш” бўлими томонидан кунлик ўқиладиган оят ва суралар аниқ белгилаб берилди. Бу тартиб намозхонларга Қуръони каримни тўлиқ тинглаш имкониятини яратади. Тасаввур қилинг, таровиҳ намозини Тошкент шаҳрида ўқиб, сўнг хизмат сафари ёки бошқа зарурат юзасидан водий ёки воҳага сафар қилсангиз, сафардан олдин Қуръон тиловати қаерда тўхтаган бўлса, ўша ердан бошлаб тинглашингиз мумкин.

Бунинг яна бир аҳамияти шундаки, мазкур тартибда бўлиб ўтаётган хатми Қуръонлар юртимиздаги барча масжидларда Рамазон ойининг 27-кечаси, яъни “Қадр” кечасида ўз якунига етади. Миллионлаб мусулмон халқимиз бу улуғ кечада қўлларини дуога очиб, хатми Қуръон баракатини фурсат билган ҳолда мамлакатимизга тинчлик-омонлик, сиҳат-саломатлик, фаровонлик, хайру барака ва барча яхши ниятларни тилаб, дуо қилади.

Рамазон ойида саховат, хайру эҳсон ва ёрдамсеварлик хулқлари янада зиёдалашади. Зеро, бу Расululлоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари. У зот хайру эҳсон қилиш, заифларга ёрдам бериш, саховатпешалик, очиққўллик ва яхшилик қилиш каби хулқларга эга эдилар. Расululлоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мазкур хулқлари Рамазон ойи кириб келиши билан янада зиёдалашар эди. Бу ҳақда Абдуллоҳ ибн Аббос шундай ривоят қилади: “Расululлоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яхшилик қилишда одамларнинг энг саховатлиси эдилар. У зотнинг Рамазон ойидаги энг саҳий бўлган вақтлари Жаброил алайҳиссалом билан учрашган пайтда бўларди. Жаброил алайҳиссалом Рамазон ойи тугагунича ҳар кеча келар, Расululлоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса у зотга Қуръон ўқиб берар эдилар. Жаброил алайҳиссалом у кишига йўлиққанида яхшилик қилишда эсаётган шамолдан ҳам саховатлироқ бўлар эдилар” (Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ ривояти).

Расululлоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилганлар: *“Садақанинг энг афзали Рамазондаги садақадир”* (Имом Термизий раҳимаҳуллоҳ ривояти).

Бошқа бир ҳадисда Расululлоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: *“Ким бирор рўзадорга ифторлик қилиб берса, унга рўзадорнинг савоби мислича савоб бўлади. Бу унинг савобидан бирор нарсани камайтирмайди”* (Имом Термизий раҳимаҳуллоҳ ривояти).

Дарҳақиқат, бу фазилатли ойнинг баракатидан унумли фойдаланган ҳолда яқинларимиз, қўни-қўшниларимиз, маҳалла-кўйдаги ёрдамга муҳтож оилаларга имкон қадар ёрдам қўлини чўзиш динимиз буюрган ва тарғиб қилган улуғ савобли ишлардан саналади.

Ислом дини бутун инсониятни гўзал хулқ ва намунали одобга чақиради. Бу борада Расululлоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам биз учун ҳақиқий намунадир. Зеро, Аллоҳ таоло Қуръони каримда У зотнинг хулқлари ҳақида шундай марҳамат қилган: **“Ва албатта, Сиз буюк хулқ узрадирсиз”** (“Қалам” сураси, 4-оят).

Ҳақиқатан ҳам, Расululлоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хулқлари шу қадар олий эдики, У зот ҳар қандай айбу нуқсонлардан холи ва барча яхши хулқларни ўзида мужассам қилган эдилар. Оиша розияллоҳу анҳодан: “Расululлоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хулқлари қандай эди?” деб сўрашди. У зот: “Расululлоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хулқлари Қуръон эди”, деб жавоб берди (Имом Муслим раҳимаҳуллоҳ ривояти).

Яъни Расululлоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни Қуръон тарбиялаган эди. У зотга одобни Қуръон ўргатган эди. Мана шундай юксак ахлоқ эгаси бўлган Расululлоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хулқлари Рамазон ойида янада сайқаллашар ва зиёдалашар эди. У зот ушбу муборак ойдаги одобсизлик ва бадхулқлик катта гуноҳ эканини айтиб, умматини гўзал хулққа чақирар эдилар.

Хусусан, ҳадисларда Рамазон ойида тинчлик-омонлик, гўзал ахлоқ ва яхши одобга тарғиб қилинганини ҳамда ўзаро тортишиш, жанжаллашиш, уришиш каби бирликка рахна соладиган ишлар Рамазон ойида қаттиқ танқид остига олинганини кўришимиз мумкин.

Бу ҳақда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расululлоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилганлар: *“Бирортангиз рўза тутган бўлса, шаҳвоний сўз ва амалларни қилмасин ҳамда бақир-чақир қилмасин. Агар бирортаси у билан сўкишмоқчи ёки уришмоқчи бўлса: “Мен рўзадорман”, десин”* (Имом Бухорий ва Насоий раҳимаҳуллоҳлар ривояти).

Шунингдек, рўзанинг тўлиқ ва мукаммал бўлишида одоб-ахлоқнинг ўрни беқиёс. Айниқса, Рамазон ойида тилга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Зеро, ёлғон, ғийбат ва бўҳтон каби иллатлар рўзанинг савобини йўққа чиқаради. Зеро, Расululлоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: *“Ким ёлғон сўзни ва унга амал қилишни тарк қилмаса, унинг таом ва ичимликни тарк қилиши (рўза тутиши)да Аллоҳ учун ҳеч қандай ҳожат йўқ (савоб бермайди)”* (Имом Аҳмад ва Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳлар ривояти).

Шукр — энг гўзал хулқлардан бири. Аллоҳ таоло рўза оятининг сўнгида шундай марҳамат қилган: **“… Шояд шукр қилсангиз”** (“Бақара” сураси, 185-оят).

Абу Ҳафс ан-Насафий раҳимаҳуллоҳ бу оят ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Барча ибодатлар шукр тариқасида жорий қилинган. Жумладан, рўза ҳам шукрдир. Аллоҳ таоло бизга берган диний ва дунёвий неъматларга тил, қалб, бадан ва молдавлат билан шукр қилишимиз учун рўзани жорий қилган!”

Шу маънода, рўзанинг моҳияти шукрдир. Рамазон ойи бандада шукр қилиш хулқини ҳосил қилишда кўмакчи бўлади. Бу улуғ ойда Аллоҳнинг берган неъматларига шукр қилиб, ибодатларни ўз вақтида бажариш ҳар бир мўминнинг вазифасидир. Зеро, Рамазон ойида ношукрлик ва қаноатсизлик қилиш рўзанинг асл мақсадига зид саналади.

Кундалик юмушларда оила аъзоларига ёрдам бериш ҳам Расululлоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гўзал хулқларидан эди. Бу ҳақда саҳобалар Оиша розияллоҳу анҳодан: “Расululлоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйларида нима иш қилар эдилар?”, деб сўрашди. Оиша розияллоҳу анҳо: “Расululлоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам оддий бир башар эдилар. У зот кийимларини тикар, қўйни соғар ва ўзига ўзи хизмат қилар эдилар”, деб жавоб берди (Имом Аҳмад ва Имом Термизий раҳимаҳуллоҳлар ривояти).

Расululлоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлларга, ўз оиласига хушмуомала бўлишда барчага ўрнак бўлганлар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хизматида минглаб саҳобалар шай бўлиб турса-да, У зот ишларини бировга қилдирмас, балки ўзлари ҳал қилар эдилар.

Расululлоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу гўзал хулқининг аҳамияти Рамазон ойида янада кўзга яққол ташланади. Зеро, ифторлик ва саҳарлик вақтларида оила даврасида бўлиш ҳамда уй юмушларида аёлларга кўмакчи бўлиш энг савобли амаллардан, десак, муболаға эмас.

Демак, Рамазон ойи Қуръони карим баракати, саховат ва гўзал хулқнинг фазилатлари билан зийнатланган улуғ ойдир. Бу ойда қилинган дуолар ижобат бўлади, ибодат ва савобли амалларнинг ажри янада кўпаяди, нафс турли иллатлардан тозаланади, қалб покланади, юртимиз ва бутун дунёга Аллоҳнинг раҳмати ва марҳамати ёғилади.

Аллоҳ таоло ушбу Рамазон ойини барчамизга муборак қилсин! Бу ойда қилган дуоларимиз ва солиҳ амалларимизни даргоҳида ҳусни қабул айласин! Рамазон ойининг баракатидан юртимизни тинч ва фаровон, халқимизни офият ва осойишталикда қилсин!

Вассаламу алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу.

Шайх Алижон қори ФАЙЗУЛЛОҲ МАХДУМ ўғли,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси фахрий доктори,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси «Қуръон ва тажвидни ўргатиш» бўлими мудири.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 341. 21 296 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.00 Топширилди — 02.35 1 2 3 4 5 6